

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ
ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН
ҲАМКОРЛИГИ**

Мадетов Фаррұх Оразалы улы
Ички ишлар вазирлиги Академияси
310-түрух курсанти

*Халқ давлатдан рози бўлиши кўп жиҳатдан фидоийлигимизга боғлиқ ва биз
бу мақсадга албатта эришамиз*

П.Р.Бобојонов

Аннотация : Мақолада ўғрилик жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусияти, ўғрилик жинояти бўйича бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик, хорижий тажриба ва уни такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Калит сўзлар : Ўғрилик жинояти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ижтимоий хавфлилик, ҳамкорлик, хориж тажрибаси.

Аҳолининг тинчлигини, осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликни таъминлаш мустақил давлатимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Демократик давлат ўз фуқароларига тинч яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин, айни замонда, жиноятчиликка қарши кураш шунчаки бир атамага айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш - давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур. Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умум эътироф этилган. Бу – ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат умумий адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди. Профилактика инспекторининг ўғирлик жиноятининг профилактикасини ташкил этиш фаолияти тушинчасидан аввал, ўғирлик жинояти тушинчасига тўхталиб ўтсак.

Ўғирлик – бу ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш, яъни ўғирлик жабрланувчи ёки бошқа шахслар йўқлигига ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирамасдан ўзганинг мол-мулкини яширинча талон-тарож қилиш тушунилади. Хонадонларда содир этиладиган ўғирликларнинг криминалистик таснифи – маскур жиноятни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг энг мухим белгилари билан боғлиқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб, маскур жиноятларнинг

олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб беради. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришиш, микдорини ва салбий оқибатларини энг паст даражагача камайтириш учун уларнинг содир этилишини тақазо қилувчи, белгилаб берувчи сабаб ва шароит сифатида таъсир кўрсатувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш керак. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, якка, махсус тартибдаги ва виктимиолагик профилактикасининг ҳуқукий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора тадбирлари тизими - ҳуқуқбузарликлар профилактикасидир. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасидир.

Таъкидлаш лозимки, ўғрилик жиноятларининг ижтимоий хавфилиги шундаки, бу турдаги жиноятлар натижасида шахсий ва хусусий мулкка моддий зарап етказилади. Шу билан бирга, жиноят содир этган шахсларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги ва жавобгарликка тортилишининг таъминланмаслиги, бир томондан, уларнинг ғайриқонуний бойлик орттиришига, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан текинхўрларча ҳаёт кечиришига имкон яратса, бошқа томондан, бу ҳолатлар жиноят содир этган шахслар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги таъминланмаслигига, ўғриликдан жабр кўрган шахсларга жиноят натижасида етказилган моддий заарнинг қопланмаслигига ва одамлар онгida ички ишлар органларининг ўз вазифаларини бажармаётганлиги ҳақида фикрлар шаклланишга ҳамда пировард-натижада давлатга ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Ўғрилик бугунги кунда энг кўп тарқалган жиноятлардан биридир. Профилактика инспектори ўғрилик жиноятининг виктимологик профилактикасини 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг белгиланган талаблари асосида амалга оширади, жумладан, маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ўғрилик жиноятидан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида, ўғрилик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этади. Шунингдек, аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, ўғрилик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида

маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва хушёрликка чақириш ҳамда хавфиззлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали амалга оширади. Ўғрилик жиноятининг профилактикасини амалга оширишда профилактика инспектори хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қиласди. Республика миқёсида ўтказиладиган профилактик тадбирлар ва ўғирлик жиноятининг профилактикасини ташкил этиш ички ишлар вазирининг алоҳида буйруғи, фармойиши ва қўрсатмалари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига кўра профилактика инспектори ўғрилик жинояти бўйича тергов харакатларини олиб бораётган терговчининг ёзма қўрсатмаси ёки топшириғи асосида, содир этилган ўғриликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш (масалан, жабрланувчининг мулкини қаровсиз қолдирганлиги, мунтазам равишда тижорат ва хизмат сафарида бўлиши, қўриқлаш пультига уланмаганлиги ва ҳоказо), келгусида маъмурий ҳудудда ўғрилик жинояти содир этилишининг олдини олиш мақсадида тегишли профилактик тадбирлар ташкил этади. Масалан, маҳалла аҳолиси билан умумий профилактикани амалга оширади. Профилактика инспектори ўғриликнинг умумий профилактик чоратадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, жумладан жиноят-қидибури, патрульпост, қўриқлаш, хорижга чиқиш ва кириш хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳалқаро тажрибадан дунёning кўпгина мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг имкониятидан фойдалниш ижобий натижа берайтганлигини кўзатиш мумкин. Масалан, жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида Шотландия ва Швецияда фуқаролардан ташкил этилган «штатсиз ходим», Истроилда эса кўнгиллилар фаолияти йулга қўйилган бўлиб, уларнинг хизмати олиб боришлари мазкур давлатларнинг қонун ва қонуности норматив хужжатлари билан тартибга солинган, Германия давлатида эса фуқароларнинг хуқуқий онги шунчалик даражада ривожланганки, кўчаларда фуқаролар дўконларда нарсалар сотишида ўғирлик жиноятлари содир этилмайди, хеч ким талон-тарож ҳам қилмайди. Туркия давлатида бир неча шаҳарларида эса полиция хизмати фуқаролардан жиноятчиликка қарши курашда, хуқуқбузарликларни олдини олишда ва

бошқа ҳодисалардан хабардор бўлиш мақсадида кўчаларда сигналлар ўрнатилган, улар жиноят ёки бошқа хабарларини полицияга хабар бериб турди, бу айниқса шаҳарларда криминоген вазиятни бартараф этишга имкон беради. АҚШ, Истроил каби ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини чукур ўрганган ҳолда, қўни-қўшилари мулкларининг дахлсизлигини таъминлаш, оилавий-маиший муаммоларига барҳам бериш ва ўзи яшаётган жойда хавфсиз ҳудуд барпо этилишида ҳисса қўшиш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш ва зарур хабарларни бериш билан шуғулланувчи «Огоҳ қўшни» жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада юзга яқин бундай жамоатчилик тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам жамоатчилик масканларининг ташкил этилиши орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг жиловини сезиларли даражада қўлга олдик. Бундай масканларнинг юртимизда фаолиятини тўғри ташкил этсак, албатта, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичларини анча даражада камайтиришга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017
2. И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Б. Э. Закиров ва бошқ.; Масъул мухаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. Ўғрилик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма
3. Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни 2014 йил 14 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳарактлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947сонли фармони.
5. <http://www.lex.uz>)
6. <http://akadmvd.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);
7. Қ.А.Сайдқулов. Ички ишлар ораганлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ташкил этиш.-Т 2015